

“СANOAT XAVFSIZLIGI” ДAVЛAT MYACCACACINING 2026 йИЛГА MЎЛЖAЛЛАНГАН ИНTEГPAЦИЯЛAШГАН MEHEЖMEHT CИЁCATИ

1. Умумий қоидалар

“СANOAT XAVFSIZLIGI” давлат муассасаси (кейинги ўринларда - Муассаса) саноат хавфсизлиги соҳасида мувофиқликни баҳолаш, экспертиза ўтказиш ҳамда техноген хавфи юқори бўлган зоналарнинг кадастр паспортини ишлаб чиқишни амалга оширувчи давлат муассасасидир. Муассаса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси тизимида фаолият юритади.

2. Сиёсатнинг мақсади

Муассасада шаффофлик, адолат, ҳалоллик ва профессионал этика тамойилларига асосланган бошқарув муҳитини яратиш, хизматлар сифатини халқаро даражага кўтариш ҳамда коррупциянинг ҳар қандай кўринишига нисбатан муросасизликни таъминлаш.

3. Халқаро стандартларни жорий этиш

Муассаса ўз фаолиятига ISO 9001:2015 “Сифат менежменти тизими” ва ISO 37001:2025 “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” халқаро стандартларини интеграция қилган ҳолда татбиқ этди. Интеграциялашган менежмент тизими саноат хавфсизлиги соҳасида мувофиқликни баҳолаш, экспертиза ўтказиш, хавфли ишлаб чиқариш объектларини ҳамда лифтларни техник кўриқдан ўтказиш, шунингдек, техноген хавфи юқори бўлган зоналарнинг кадастр паспортини ишлаб чиқиш жараёнларига татбиқ қилинган. Ушбу тизим Муассасанинг барча йўналишларида қонунийлик, холислик ва жавобгарликни таъминлашга хизмат қилади.

4. Муассасанинг 2026 йилдаги устувор вазифалари:

- Бошқариш тизимини такомиллаштириш;
- Ходимлар ва манфаатдор томонлар учун коррупцияга қарши ўқув курслари ва малака ошириш семинарларини ташкил этиш;
- Муассаса инфраструктурасини яхшилаш;
- Саноат хавфсизлиги доирасида фаолиятни кенгайтириш.

5. Муассаса раҳбариятининг мажбуриятлари:

- Интеграциялашган менежмент тизими сиёсатини амалга оширишда барча ходимлар, буюртмачилар ва манфаатдор томонларнинг фаол иштирокини таъминлаш;
- Коррупциянинг ҳар қандай кўринишини қатъий равишда тақиқлаш;
- Барча фаолиятда амалдаги қонунчилик ва жорий қилинган стандарт талабларига риоя этилишини таъминлаш;
- ИМТ мақсадларини белгилаш, таҳлил қилиш ва уларга эришиш учун зарур ресурсларни ажратиш;
- Интеграциялашган менежмент тизимининг самарадорлигини мунтазам равишда баҳолаш ва яхшилаб бориш;
- Хавф ва имкониятларни бошқариш орқали барқарор фаолият юритиш;
- Коррупцияга оид шубҳалар ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш ва уларга нисбатан жавоб чоралари қўлланмаслигини кафолатлаш;
- Коррупцияга қарши масъул шахсларнинг мустақил фаолияти ва ваколатларини таъминлаш;
- Барча ходимларга мазкур сиёсат талабларини ва уларга амал қилмаслик оқибатларини тушунтириш.

6. Якуний қоидалар

Муассаса барча ходимларидан ушбу сиёсатга риоя этишни талаб этади ва коррупциянинг ҳар қандай шаклига нисбатан муросасиз муносабатда бўлади. Ушбу сиёсат “SANOAT XAVFSIZLIGI” давлат муассасасининг интеграциялашган менежмент тизимини мустаҳкамлаш ва фаолиятининг шаффофлигини таъминлашга қаратилган асосий ҳужжат ҳисобланади.

“SANOAT XAVFSIZLIGI” ДМ директори

Ибрагимов Я.М.

16 - декабрь 2025 йил

